

UDC: 341.4(042)(575.1)

**Ҳамидов Нурмухаммад**

Тошкент давлат юридик университети докторанти

ORCID: 0000-0002-9053-4174

E-mail: n.hamidov@tsul.uz

## **ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ**

*Аннотация.* Ҳозирги вақтда ташқи таҳдидлар янги шакл касб этиб, уларнинг асосий хусусиятлари этник ва диний можароларда намоён бўлиб, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб юрувчилар ва мигрантлар оқими, халқаро жиноятчилик ва терроризмга боғлиқ. Жиноий уюшмалар хилма-хил бўлиб, географик ва миллий хусусиятларга эга ва глобаллашув даражаси билан фарқ қилади. Бундай тузилмалар битта шаҳар, минтақа, мамлакат ичида фаолият юритиши ва ҳаттоки алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб, трансмилий кўриниши касб этиши мумкин. Ушбу илмий мақолада айнан мазкур турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва шу тоифадаги жиноятни содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги айрим масалалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** трансмилий жиноят, глобаллашув, борекуда, триада, электрон ресурслар, уюшган жиноятчилик, терроризм.

**Ҳамидов Нурмухаммад**

докторант Ташкентского государственного юридического университета

## **ПОНЯТИЕ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ УСТАНОВЛЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НИХ**

*Аннотация.* В настоящее время внешние угрозы принимают новую форму, их основные черты отражаются в этнических и религиозных конфликтах, потоках мигрантов из одного региона в другой, международной преступности, терроризме. Криминальные сообщества разнообразны, имеют географические и национальные особенности и различаются по степени глобализации. Такие структуры действуют в пределах одного города, региона, страны и даже за пределами отдельных государств и приобретают транснациональный вид. В данной научной статье анализируются особенности данного вида преступлений и некоторые вопросы ответственности за этот вид преступлений.

**Ключевые слова:** транснациональная преступность, глобализация, борекуда, триада, электронные ресурсы, организованная преступность, терроризм.

**Khamidov Nurmukhammad**

PhD Student, Tashkent State University of Law

## **THE CONCEPT OF TRANSNATIONAL CRIMES AND THE SOCIAL NECESSITY OF ESTABLISHING RESPONSIBILITY FOR THEM**

*Abstract.* External threats are currently taking on a new form and their main features are reflected in ethnic and religious conflicts, the flow of migrants from one region to another, international crime, and terrorism.

*Criminal communities are diverse, geographically and nationally specific, and vary in the degree of globalization. Such structures operate within one city, region, country, and even outside individual states and acquire a transnational appearance. This scientific article analyzes the specifics of this type of crime as well as some issues of liability.*

**Keywords:** *transnational crime, globalization, borekuda, triad, electronic resources, organized crime, terrorism.*

Ҳозирги кундаги жиноятчилик ҳолати зўравонлик шаклига кўра оддий маиший даражадан бошлаб то оммавий террор даражасида аҳамият касб этгани учун жамоатчилик олдида ўз хавфсизликларини яна бир бор қайта ўйлаб кўриш эҳтиёжини юзага келтирмоқда [1].

Бугунги кунда ҳар бир инсон глобал дунёвий жараёнларга жалб қилинган бўлиб, илмий-техник тараққиёт ривожини билан янада тезлашмоқда ва умуминсоний хусусият касб этаётган ижтимоий, иқтисодий, хом ашё ва бошқа муаммоларнинг кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан иқтисодий, экологик, демографик ва бошқа кўплаб таҳдидларнинг, жумладан, жиноий таҳдидларнинг таъсири бир неча бараварга кўпайишига олиб келмоқда [2].

Дунёнинг кўплаб давлатлари ва минтақаларида бир нечта глобал жиноий ташкилотлар фаолият юритмоқда: Италия мафияси, Хитой триада-си, япон борекудаси (якудза), колумбиялик наркокартеллар [3].

Глобаллашув замонавий давлатлар ривожланишининг айнан ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг етакчи тенденциясига айланиб улгурди.

Алоҳида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги сифат жиҳатдан янги ҳодиса, яъни халқаро иқтисодиётни юзага келишига туртки бўлди.

Глобаллашув жараёнига сабаб бўлаётган муҳим омиллар жумласига замонавий технологиялар, алоқа воситалари, электрон ресурсларни жорий этиш ва уларни автоматлаштиришнинг жадал ривожлантирилиб боришини киритиш мумкин.

Глобаллашув жараёни эса, ўз навбатида, жиноятчилик тавсифига, яъни икки ёки ундан ортик давлат манфаатлари ва ҳудудларига таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларга олиб келади.

Бундай ҳолатларни аниқлаш учун криминалогия фанига “уюшган жиноятчилик” тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган “трансмиллий жиноятчилик” тушунчаси киритилди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб иқтисодий фаолиятни диверсификация қилиш туфайли турли хил ноқонуний товарлар (курол-яроғ, гиёҳванд моддалар ва бошқалар)ни сотиш ҳажми ошди, бу трансчегаравий жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг кўпайишига ва натижада трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланиб боришига сабаб бўлди [4].

Шу билан бирга, ноқонуний товарларни чегара орқали олиб ўтиш имкониятининг мавжудлиги жиноятчиликка байналмилаллаштиришнинг асосий таркибий қисми сифатида қаралмаслиги керак.

Жиноий уюшмалар ўз мақсадларига эришиш учун жиноят қонунчилиги тизимида мавжуд бўшлиқларни қидириб топиш, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга ҳаракат қилади. Улар пул ювиш операцияларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд бўлган бундай ҳуқуқий режимни ёки юрисдикцияни қидирмоқда.

Хусусан, сўз ушбу ҳолат “солиқ бошпаналари [5]” деб аталувчи давлатлар, яъни ҳудудларида бундай даромадларни сақлаган ва зарур солиқлар ва тўловларни тўлашдан қочиш учун шароитлар мавжуд бўлган мамлакатлар ҳақида бормоқда.

Ҳар бир мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиши нафақат ижобий, балки салбий ўзгаришлар, янги турдаги ижтимоий муносабатларни юзага келтириб, ўзига хос жиноятларга йўл очмоқда.

Булар жумласига “уюшган жиноятчилик” каби ҳодисанинг юзага келишини мисол қилиш мумкин. Кўпгина ҳолатларда уюшган жиноятчилик бир гуруҳ шахслар томонидан амалга ошириладиган ва иқтисодий жиноятларда намоён бўлади.

Профессор Н.Ф. Кузнецованинг ушбу ҳодисани жамият томонидан идрок этилиши маълум бир шартларни юзага келиши натижасида юзага келади деган фикрига қўшилмай бўлмади [6].

Масалан, Америка Қўшма Штатларида уюшган жиноятчилик мавжудлигини тан олиш мафия раҳбарларидан бири Джо Валлачининг телевизорда ошқора нуткидан сўнг содир бўлди [7].

Трансмиллий уюшган жиноятчиликни ҳуқуқий ва илмий нуқтаи назардан аниқлаш билан боғлиқ масала ўз зиддиятини ҳалиям йўқотгани йўқ [8].

Ушбу таърифда 1971 йилда америкалик криминалоглар томонидан таклиф қилинган “трансмиллий” атамаси қўлланилади. Шунингдек, ушбу тушунчадан 1994 йилда Неаполдаги Бутунжаҳон конференциясида трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг муаммоли масалаларини муҳокама қилиш пайтида фойдаланилган [9].

Трансмиллий жиноятчилик таърифи ишлатилиши бўйича бир нечта таклифлар Интерполга аъзо мамлакатлар иштирокчиларининг 1988 йилда Сант-Клаудда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро симпозиумида муҳокама қилинди. Муҳокама натижасида ушбу жиноят таърифини асос сифатида эндиликда қабул қилиш ва ишлатиш тўғрисида келишувга эришилди [10].

Трансмиллий уюшган жиноятчилик деганда доимий равишда жиноий фаолият билан шуғулланадиган ва асосий мақсади ҳар қандай жойда, миллий чегараларидан катъи назар, фойда кўришни мақсад қилган одамлар гуруҳи фаолият юритадиган ташкилот мавжудлиги ва унинг фаолиятида иштирок этишни тушуниш лозимлиги тавсия этилди [11].

Ушбу тушунчани таҳлил қилиб, биз қуйидаги трансмиллий жиноят белгиларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

ташкилотнинг мавжудлиги ёки унда иштирок этиш;

фаолиятнинг узлуксизлиги;

асосий мақсад – фойда олиш.

Ушбу мақсадга эришиш йўллари сифатида, аввало, миллий чегараларни эътиборсиз қолдиришга асосланган ҳар қандай воситалар кўриб чиқилади. Биринчи учта хусусиятни асос ҳисобланувчи белгилар деб тан олиниши мақсадга мувофиқ.

Ушбу белгилар (формула) орасида жиноятнинг трансмиллийлигини таъкидловчи, уни алоҳида ажратиб кўрсатувчи белги – жиноий фаолиятни амалга ошириш миллий чегаралар ичи-

да ҳам, ташқарисида ҳам содир этилиши. Бирок бу ягона белги ҳали ҳам муаммонинг глобал моҳиятини тўлиқ англаб етишимизга имкон бермайдиган [12].

Қоида тариқасида, трансмиллий жиноят тушунчасини изоҳлашда иккита асосий ёндашувга таянилади: трансмиллий жиноят билан шуғулланувчи жиноий ташкилотларнинг ўзларини изоҳлашга эътиборни қаратиш ҳамда ушбу ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган фаолият белгилари учун хос бўлган тавсифларни изоҳлашни назарда тутати [13].

Махсус адабиётлар ва халқаро ҳужжатларда трансмиллий жиноятларнинг тушунчаси ва таърифига турли хил ёндашилмоқда. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси, 2000 йил 15 ноябрдаги Бош Ассамблея 55/25-сонли қарори билан қабул қилинган қоидаларда жиноят трансмиллий характер касб этиши учун:

бир нечта давлатда содир этилган (3-модданинг 2-қисми (а));

бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин унинг маълум бир қисми, яъни тайёргарлик кўриш, режалаштириш, ушбу га ташкилотчиси ва назорати бошқа давлатда бўлиши (3 (2) (b) модда);

бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин бир неча давлатда ўз жиноий фаолиятини амалга оширувчи уюшган гуруҳ иштирокида амалга оширилган (3-модданинг 2-қисми (с));

бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда юзага келган 3-модданинг 2-қисми (d)).

Ўрганилган 200 дан ортиқ жиноят ишининг 20 га яқини трансмиллий характер касб этиб юқоридаги аломатларни ўзида намоён этади.

Ўрганиб чиқилган жиноят ишларида мазкур белгилар таҳлил қилинганда:

бир нечта давлатда содир этилганлик 54 %;

бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин унинг маълум бир қисми, яъни тайёргарлик кўриш, режалаштириш, ушбу жиноят ташкилотчиси ва назорати бошқа давлатда бўлишлик 26 %;

бир давлат ҳудудида содир этилган, лекин бир неча давлатда ўз жиноий фаолиятни амалга оширувчи уюшган гуруҳ иштирокида амалга оширилганлик 9 %;

бир давлат худудида содир этилган, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда юзага келганлик 11 % жиноят ишларида мавжудлиги аниқланди.

Бизнинг фикримизча, ушбу белгиларнинг биринчиси, яъни бир неча давлат худудида содир этилиши асосий белги бўлиб, қолган учта белги биринчи белги билан асосан биргаликда келадиган кўшимча белгилар ҳисобланади.

Трансмиллий жиноятлар бир қатор хусусиятларга эга. Ж.А. Нейматов трансмиллий жиноятларни қуйидаги тўртта белгисини ажратиб кўрсатган.

- 1) уюшганлик;
- 2) узвийлик;
- 3) даромад олиш мақсади;
- 4) миллий чегараларни инкор этишга асосланган, ўз жиноий мақсадига эришишнинг усуллари.

Конвенция трансмиллий жиноятчилик тушунчасини изоҳламаган бўлса-да, аммо унинг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу жиноят қуйидагиларда: икки ёки ундан ортиқ давлатларда ғараз мақсадларда, режали фаолият юритиш, пухта тайёргарлик кўриш, ушбу жиноий гуруҳларда доимий иштирок этиш, ривожланган тузилма ва оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишга йўналтирилган махсус мақсад борлигида намоён бўлишини кўриш мумкин.

В.А. Номолоновнинг фикрича, жиноий фаолият трансмиллий характер касб этиши учун турли хил воситаларнинг икки ёки ундан ортиқ давлат чегаралари орқали олиб ўтилишида ва катта миқдордаги моддий наф келтириш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларда ифодаланади, шу билан бирга жиноятчилар бошқа мамлакатларнинг қулай бозор шароитларидан унумли фойдаланадилар, шунингдек, коррупция ва зўравонлик ҳаракатлари орқали иқтисодий фаолиятга кириб боришларида намоён бўлади [14].

Адабиётларда трансмиллий жиноятчилик одатда бир мамлакат чегараларидан ташқарига чиқувчи ва қуйидаги учта элементни ўз ичига олувчи жиноий фаолият сифатида қаралади, булар: халқаро жиноятлар, халқаро характердаги жиноятлар ва чет эл фуқаролари билан боғлиқ жиноятлар [15].

Халқаро жиноятлар инсоният тинчлиги ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган бўлиб, тажовузкорлик, геноцид, апартеид, мустамлака ҳукмронлигини зўрлик билан ўрнатиш ёки сақлаб

қолиш, ядро қуролини қўллаш ва бошқаларда ифодаланиб, давлат ва жамият учун улар катта хавф туғдиради.

Халқаро даражадаги жиноятлар давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларга, уларнинг тинч-тотув яшашига ва ўзаро алоқаларига, турли мамлакат ташкилот ва фуқаролар ҳамкорлигига зарар етказди.

Улар контрабанда, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, ноқонуний миграция, порнографик маҳсулотларни тарқатиш, одам савдоси, самолётларни олиб қочиш, уларнинг бортида жиноят содир этиш, пуллар ва қимматбаҳо қоғозларни қалбакилаштириш билан шуғулланидилар [16]. Бундан ташқари, чет эл фуқаролари иштирокида ёки уларга қарши жиноятлар содир этадилар [17].

Илмий доира вакиллари ўртасида ҳам трансмиллий жиноятлар тушунчасининг келиб чиқиши хусусида турли хил қарашлар мавжуд. Жумладан, Ж.А. Нейматов: “Жиноий ташкилотлар томонидан иқтисодий даромад кўриш мақсадида бир ёки бир нечта давлатлар бозор конъюнктурасидан фойдаланган ҳолда коррупция, зўрлик ишлатиш, шунингдек, турли мамлакатлардаги жиноят судлов тизимидаги тафовутлар туфайли ижтимоий назоратдан самарали бўйин товлаш орқали маълумотлар, пуллар, инсонлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий воситаларни давлат чегараларидан ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолият”, – деб трансмиллий уюшган жиноятчиликни таърифлайди.

В. Номоконов эса ушбу жиноятларни ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноят эканини, уни “латентлик хусусияти юқори бўлган уюшган характердаги ҳамда иқтисодий ва жиноий глобаллашув жараёнлари таъсирида бир нечта давлатлар худудида содир этиладиган жиноят” сифатида эътироф этади [18].

Л.Л. Горяинов, А.П. Исиченко ва Л.В. Кондратьюкнинг фикрича: “Трансмиллий жиноятлар – бу алоҳида давлат микёсидан четга чиқувчи, яъни камида икки мамлакатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилувчи жиноятдир” [19].

К.С. Родионов эса ушбу турдаги жиноятларнинг асосий хусусиятини давлат чегараларини кесиб ўтилиши билан боғлайди. У: “Трансмиллий жиноятлар – бу доимий ёки муваққат фаолият

кўрсатиш мақсадида ташкил этилган, барқарор ёки ўзгарувчан таркибга эга бўлган, ўз ичига жиноий мақсадларга эришиш йўлида давлат чегарасини кесиб ўтишни зарурий белги сифатида камраб олувчи ижтимоий хавфли қилмишдир. У профессионал трансмиллий жиноий тузилмаларни жиноий уюшмалар ҳамда аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмаган аъзолар сони ва уюшганлик даражаси турли-туман бўлган жиноятчилар гуруҳидан ташкил топади. Уларнинг асосий мақсади моддий бойликлар ва пул маблағларини қонунга хилоф равишда қўлга киритишдан иборатдир [20]”, – деб таърифлайди.

С.В. Максимов ҳам трансмиллий жиноятчиликка атрофлича таъриф беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, трансмиллий жиноятлар – бу икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги муносабатларга ёхуд икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг юридик ёки жисмоний шахслари манфаатларига зарар етказувчи, муайян вақт оралиғида содир этилган жиноятлар мажмуидир. Улар учун жавобгарлик халқаро жиноят ҳуқуқи ёки унга мувофиқ қабул қилинган миллий жиноят қонунчилиқ нормаларида белгиланган бўлади” [21].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, трансмиллий жиноятлар – бу муайян фойда олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида бир ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудида содир этиладиган, давлат чегарасини кесиб ўтишни зарурий белги сифатида камраб олувчи, профессионал трансмиллий жиноий тузилмалар, жиноий уюшмалар ҳамда аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмаган аъзолардан ташкил топган, жиноий қилмиши мамлакат чегарасида содир этилган ёки жиноий оқибати бошқа давлат ҳудудида юзага келган ижтимоий хавфли қилмишдир.

Трансмиллий жиноятларнинг янада тўлиқроқ тавсифи Канада полициясининг жиноят-қидирув органи кўрсатмаларида берилган. Унда трансмиллий жиноятчиликка хос бўлган қуйидаги жиҳатлар кўрсатилади:

коррупция (ноқонуний таъсир кўрсатиш, кучсизларни эксплуатация қилиш);

жамоатчи ва сиёсий фаолларга товламачилиқ қилиш;

катъий интизомга амал қилиш (қўрқув ва зўравонлик ёрдамида ташкилотга бўйсунишга мажбурлаш);

жамият ҳаётига кириб бориш (фош этишдан химояланиш ёхуд янада кўпроқ даромад олиш учун қонуний институтлар тизимига ўз вакиллари янги жойлаштиришга ҳаракат қилиш);

бўлиниш (ташкilotни кичик гуруҳлар ёки бўлинмалардан иборат бўлиши);

монополия (иқтисодиёт, хусусан, хуфёна иқтисодиётнинг маълум соҳасида устуворликни сақлаб туриш);

мотив (бойлик орттириш ва ижтимоий сиёсий фойда кўришдан бошлаб ҳокимиятни эгаллашга қараб ўсиб боради);

узлуксизлик (мунтазам давом этади);

мобиллик (миллий юрисдикция чегараларини рад этиш) [22].

Трансмиллий жиноятчиликни кенг ва тор маънода тушуниш мумкинлиги бўйича қарашлар ҳам мавжуд.

Кенг маънода трансмиллий жиноятчилик тушунчаси доирасини жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи учта гуруҳини ташкил этишини кўриш мумкин:

1) тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар (халқаро жиноятлар);

2) трансмиллий хусусияти мавжудлиги ратификация қилинган халқаро шартномаларда акс этган жиноятлар, булар асосан халқаро аҳамиятга (характерга) эга жиноятлардир;

3) БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясида келтирилган белгиларнинг жиноий ҳаракатларда трансмиллий характер касб этишида намоён бўладиган жиноятлар (бошқа трансмиллий жиноятлар).

Тор маънода трансмиллий жиноят иккинчи ва учинчи гуруҳларда акс эттирилган жиноятларни ўз ичига камраб олади. Диссертацияда ҳам айнан ушбу гуруҳларга тегишли бўлган жиноятлар таҳлил қилинади ва ўрганилади, чунки биринчи гуруҳдаги жиноятлар инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига зарар етказганлиги сабабли у икки ёки бир неча давлатнинг эмас, балки бутун инсоният учун хавф туғдиради. Шу сабабли биринчи гуруҳга оид жиноятлар тадқиқот объектига кирмайди.

Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири жиноятларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш чоралари мазмуни юзасидан сезиларли фарқларни келтириб чиқаради. Ю.В. Григоровичнинг фикрича: “... инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган

жиноятлар халқаро характердаги жиноятлардан ажралиб туради.

Халқаро жиноятнинг (тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятнинг) асосий квалификация қилиш белгилари – бу тинчлик ва давлатлар, халқлар ўртасидаги тотув муносабатлар, халқларнинг хавфсизлиги ва халқаро алоқалар асосларига тажовуз қилишдир. Ушбу жиноятларнинг субъектлари асосан давлат ҳокимиятининг юқори лавозим вакиллари ёки уларнинг топшириғи асосида ишловчи шахслар бўлади [23]”.

Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятларнинг Халқаро жиноят судининг юрисдикциясига кириши бежиз эмас, чунки бу ташкилот халқаро даражадаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан мустақил бўлган ва миллий жиноий судлов органларини тўлдирувчи ташкилотдир.

В.О. Бояриновнинг фикрича, трансмиллий жиноятларга халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи жиноятлар гуруҳига айтилади. Унинг хулосасича, трансмиллий жиноятлар 4 жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи гуруҳдан иборатдир:

1) давлатлар томонидан содир этилган халқаро жиноятлар (урушлар, колониализм ва бошқалар);  
2) жисмоний шахслар томонидан (бир гуруҳ шахслар томонидан) содир этилган жиноятлар миллий ва хорижий элемент билан;

3) халқаро жиноий қилмиш (тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар);

4) трансмиллий жиноятлар, яъни куйидаги тақиқланган қилмишларни ўз ичига олувчи:

а) дунёнинг кўплаб мамлакатларининг жиноят қонунчилиги билан тақиқланган;

б) махсус халқаро келишувлар билан тақиқланган (гиёҳванд моддалар савдоси, қурол-яроғ, терроризм, қароқчилик, аёллар ва болалар савдоси ва бошқалар) [24].

В.О. Бояринов терроризм жиноятини юқорида баён қилинган барча гуруҳларга киритиш мумкин бўлса-да, уни асосан 4-гуруҳга кўпроқ тегишли эканлигини кўриш мумкин.

Бизнинг фикримизча, барча трансмиллий жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи қилмишларни ҳам халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган жиноятлар доирасига киритилиши мумкин эмас, чунки трансмиллий жиноятлар жумласига мах-

сус халқаро шартномаларда назарда тутилган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларининг жиноят қонунчилиги билан тақиқланган жиноятларни ҳам киритиш мумкин.

Трансмиллий жиноятлар ҳар доим ҳам халқаро ҳуқуқни тартибга солиш предметига киравермайди, лекин фактик жиҳатдан трансчегаравий характер касб этиб икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасига салбий таъсир қилади.

Шунинг учун маълум бир қилмишларни кўпгина давлатларнинг жиноят қонунчилиги билан тақиқланганлиги ёки бир неча давлат ҳудудида содир бўладиган жиноятларда, яъни трансчегаравий характер касб этадиган жиноятларда икки давлат ҳудудида ушбу қилмишнинг тақиқланганлиги кифоя ҳисобланади.

Илгари таъкидланган халқаро жиноятлар, халқаро характердаги жиноятлар ва чет элликлар билан боғлиқ жиноятлар тушунчаларини таҳлил қилиш, уларнинг мазмуни ва ҳажми қисман бир-бирини қамраб олиши мумкинлигини, натижада уларнинг аниқ бир чегарасини белгилаб олиш имкониятини мураккаблаштиради.

Шундай қилиб, халқаро жиноятлар асосан бир ёки бир нечта давлатнинг бошқа давлат (бошқа давлатлар)га ижтимоий хавфли таъсир этишини, халқаро нормаларни бузишини, бошланғич ҳаракатлар эса бошқа давлат ҳудудида бошланишини назарда тутати. Ушбу жиноятларнинг бир қисми бир давлат ҳудудида содир этилиши ҳам мумкин бўлади.

Халқаро характердаги жиноятлар эса ҳар доим ҳам бир давлатнинг ҳудудий чегараларидан чиқиб кетавермайди, уларни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда баён қилинганлигининг ўзи халқаро характер касб этади. Чет элликлар билан боғлиқ жиноятларга келсак, улар ушбу қилмишни содир этган шахснинг ёки унинг қурбони фуқаролигини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларга бўлади, бу ундаги қилмишларнинг халқаро ҳуқуқий маънода трансмиллийлик хусусияти касб этмаслигини билдиради.

Шу ҳолатдан келиб чиқиб, трансмиллий жиноятларни унга тааллуқли бўлган жиноятлар мажмуи сифатида қарамаслик керак. У бундан ҳам мураккаб бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олиши мумкин.

Трансмиллий жиноятчиликнинг ўзига хос белгилари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

фаолият кўлами глобаллиги;

ноқонуний фаолиятнинг кенг доираси ва хилма-хиллиги;

инфратузилманинг мураккаблиги;

қонуний бизнес билан таркибий ўхшашлик;

фаолиятнинг узлуксиз характери;

уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар (жиноий ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларнинг халқаро характери;

бундай фаолият билан шуғулланмайдиган, аммо ушбу жиноий гуруҳлар ва уюшмаларнинг хизматларидан фойдаланадиган ташкилотлар;

бир давлат ҳудудидан ташқари чиқилиши;

янги жиноий маҳсулотлар ва технологияларни яратиш қобилияти;

ички ва ташқи жараёнларни ўз ичига олган динамик ташқи муҳитга етарлича юқори мослашувчанлик;

турли давлатларнинг жиноий ва жиноят-процессуал қонунчилиги қоидалари ўртасидаги фарқлардан фойдаланиш;

давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги коррупциявий алоқалари;

халқаро молия институтларини ушбу фаолиятга жалб қилиш;

қисқа вақт ичида ортикча фойда келтириши мумкин бўлган ва, энг муҳими, бундай фаолиятни амалга ошириш [25].

В.О. Бояриновнинг фикрича, трансмиллий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини уларнинг кўлами ва “инсон ва бир гуруҳ шахслар технологик имкониятларидан” фойдаланиш шакллантиради; “бойлик ва мулкка интилиш оқибатида” ахлоқнинг пасайиши; хавфлилик даражасига кўра халқаро жиноятлар даражасига (масалан, геноцид) эришиш қобилияти; бу ҳолатларга қарши курашиш эса фақатгина “миллий ва халқаро даражадаги комплекс ҳуқуқий, ташкилий институционал ва институционал чораларнинг кўрилиши ёрдамида амалга оширилиши; бундай хатти-ҳаракатларнинг миллий (ички) ва халқаро ҳуқуқий тартибга салбий таъсир этиши “трансмиллий махфий жиноий тузилмалар” томонидан содир этилиши; алоҳида давлатларнинг сиёсий, молиявий ва иқтисодий соҳалари билан, жумладан, ушбу соҳалардаги глобал жараёнлар билан

чамбарчас боғлиқлиги; давлатлар ва халқаро ташкилотларни, ўзаро боғлиқ бўлган миллий ва халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларини, халқаро ҳуқуматлараро ва нодавлат ташкилотларни, трансмиллий корпорациялар тузилмалари ва турли хизматларини яратишга мажбур қилишда намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, юқорида саналган маҳсул жихатларни трансмиллий жиноятларга эмас, балки трансмиллий жиноятчиликнинг умумий белгиларига боғлаш тўғрироқ бўлади, чунки санаб ўтилган барча белгилар бутун бир комплекс ҳолатни юзага келтирса-да, аммо ҳар доим ҳам юқорида саналган ҳамма белгиларни бир вақтнинг ўзида намоён этиб бўлмайди.

Трансмиллий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятини, уларнинг таркибидаги виртуализация каби хусусиятлар мавжудлиги, яъни маълум бир лаҳзада мавжуд бўлмаса-да, лекин жамият ва давлатга, шахсга, миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид солиб қўйиши мумкин бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб қолишида ифодаланди.

Трансмиллий жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини яна куйидаги омиллар билан ҳам тавсифлаш мумкин:

1) фойданинг юқорилиги ва даромаднинг доимий ўсиб бориши;

2) кенг доирада жиноий фаолият юритилиши;

3) молиявий тизимлар назорат қилиниши;

4) трансмиллий жиноий ташкилот аъзоларини давлат ҳокимияти ва бошқарув аппаратида кенг кўламда кириб бориши;

5) ўз мақсади ва шахсий манфаатлари йўлида ҳар қандай зўравонлик ва коррупцияни амалга ошириш;

6) юқори даражадаги мослашувчанлик, ҳатто энг оғир шароитларда ҳам.

Юқоридаги белгиларнинг таҳлили шуни ҳулоса қилишга имкон берадики, трансмиллий жиноятчилик доимий равишда уюшган жиноятчилик сифатида қаралиб келинади. Аммо жиноят ишларини ўрганиш ва экспертлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўтказилган сўров натижаларига кўра трансмиллий жиноий фаолият нафақат уюшган гуруҳлар ва жиноий жамоалар (жиноий ташкилотлар), балки бир гуруҳ шахслар томонидан ҳам олдиндан тил бириктириб амалга оширилиши мумкинлиги аниқланди.

Шундай қилиб, тадқиқ қилинган 80 та транс-миллий жиноят ишидан биз танлаб 20 га яқин ишни ўрганиб чиқдик.

Тадқиқот натижасида ушбу жиноятларнинг 59 таси уюшган гуруҳлар томонидан, 8 таси бир гуруҳ шахслар томонидан, 13 таси алоҳида шахслар томонидан содир этилганлиги аниқланди.

Демак, трансмиллий жиноятлар уюшган жиноятларнинг бир қисми ҳисобланмайди, балки уюшган жиноятлар билан айрим ҳолатларда объект жиҳатдан кесишадиган жиноятлар ҳисобланади.

Танланган жиноий ишларда 229 трансмиллий характердаги жиноятлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг 177 таси жиноий уюшмалар ва 41 таси уюшган гуруҳлар томонидан содир этилганлиги аниқланди.

Бинобарин, конвенциянинг номи ва мазмуни трансмиллий характердаги жиноятларнинг аксарият қисмини эътибордан четда қолдирган. Трансмиллий жиноятчиликнинг асосий белгиси турли хил товарлар, пуллар, одамлар, ахборот ресурсларини ноқонуний фойда олиш ниятида ҳам яширин, ҳам қонуний бозор рақобатидан фойдаланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ давлат чегаралари орқали олиб ўтишда ифодаланади.

Ушбу ҳолатда жиноий фаолият турини ўзгартириб туриши асосан ушбу жиноятнинг етарли даражада динамикага эгалиги билан тавсифланади. Э.Н. Рахманованинг ўринли таъкидланидек, инсоният тинчлиги ва хавфсизлигига қарши жиноятлардан фарқли ўлароқ трансмиллий жиноятлар дунё тартибининг асосларини бузишга қаратилган бўлмайди, аммо уларни амалга ошириш механизми ва услубини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, улар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг манфаатларига таъсир қилади: – “етказиб берувчи” мамлакатлар, транзит мамлакатлар ва “истеъмолчи” мамлакатлар [26].

Бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқишни назарда тутувчи жиноий фаолиятни трансмиллийлаштириш жиноят эволюциясининг энг юқори даражасини ташкил қилишини кўрсатмоқда. Чунки унда жиноятчилар алоқа воситаларидан, замонавий технологиялар ва техниканинг кенг имкониятларидан фойдаланади, шу билан уларнинг таъсир доираси дунёнинг турли бурчакларидаги бошқа давлатлардаги шериклар билан ўзаро таъсир доираларини кенгайтиришга имкон беради.

Жиноий фаолиятни миллий чегаралардан ташқарида амалга ошириш трансмиллий жиноятнинг асосий хусусияти бўлишига қарамай у ўзи кўриб чиқилаётган ҳодисанинг моҳиятини ва унинг хусусиятларини тўлиқ ақс эттира олмайди. Трансмиллий жиноятчиликнинг моҳияти ва хусусиятларини тўлиқроқ англаш учун ушбу тушунча билан трансмиллий жиноятлар ва трансмиллий жиноий уюшмалар (ташкilotлар) тушунчаларини ажратиш кўрсатиш керак деб ҳисоблаймиз.

Юқорида биз трансмиллий характердаги жиноятларнинг халқаро ҳуқуқий тушунчаси ва унинг хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтган эдик, аммо бу ерда биз трансмиллий жиноятчилик, унинг ижтимоий ҳодиса ва тушунча сифатида таҳлил қиламиз.

Трансмиллий жиноятлар маълум бир тизим хусусиятига эга бўлиб, ушбу тизим ичига кирувчи жиноятлар ўзаро бир-бирига ва бош жиноятларга боғлиқ жиноятлар ҳисобланади.

Трансмиллий жиноятлар бир неча давлат ҳудудидан содир этилиши билан алоҳида аҳамият касб этса-да, алоҳида бир давлат нуктаи назаридан ҳам ушбу жиноятнинг айнан бир давлат ҳудудидан ушбу жиноятларнинг айнан қайси бир элементи содир этилишини ўрганиш жуда муҳим саналади.

Бундан ташқари, мазкур жиноятларда жиноят қайси ҳудудда бошланган ва қайси жиноят давом этган ва (ёки) тугаганини ажратиш мумкин. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, трансмиллий жиноятлар содир этилаётган давлатлар ушбу жиноятга қарши курашда турли хил манфаатлардан келиб чиқадилар, турли хил жиноий таъқиб усуллари билан фойдаланадилар, бу ҳолат эса ўз навбатида жиноятчиларнинг жавобгарликдан қочишига имкон берувчи омиллардан бирига айланиб қолиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, трансмиллий жиноятлар ва трансмиллий жиноятчилик тушунчаларига аниқлик киритиш учун жиноий фаолиятнинг анъанавий (одатий) ва янги шакллари ўрганиш орқалигина эришиш мумкин.

Анъанавий (асосий) трансмиллий жиноятлар жумласига икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар манфаатларига таъсир кўрсатишга қодир, тегишли халқаро шартномаларда ва кўплаб мамлакатларнинг миллий жиноят қонунчилигида ўз аксини топган жи-



ной жавобгарликка сабаб бўладиган қилмишларни киритиш мумкин (одам савдоси ва куллар меҳнатидан фойдаланиш; гиёҳванд моддалар, курол-ярок, ўқ-дорилар, портловчи мосламалар ва моддаларнинг ноқонуний айланиши ва бошқалар) [27].

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб трансмиллий жиноятлар нафақат бир давлат, минтақа, балки кўламига кўра халқаро ҳамжамият,

халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Агар ҳуқуқ ва давлат ривожининг олдинги босқичларида ҳар қандай турдаги жиноятга қарши кураш ижтимоий адолатни таъминлаш воситаси сифатидагина қаралган бўлса, янги даврда трансмиллий жиноятлар барқарор ривожланишга энг асосий хавф сифатида эътироф этила бошланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Лебедев С.Я. Криминологическая безопасность в системе национальной безопасности России // Российский криминологический взгляд. – 2006. – № 3. – С. 104.
2. Ляхов Е.Г., Линдэ А.О. Транснациональные преступления и угрозы объектам безопасности // Публичное и частное право. – 2011. – Вып. IV(XII). – С. 97.
3. Криминология: учеб. для вузов / Под общ. ред. А.И. Долговой. 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2012. – С. 506-507.
4. Криминология: учеб. / Под ред. В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова. 6-е изд., перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2013. – С. 363.
5. Евстифеева Е.В. Организованная преступность и торговля людьми: криминологический и уголовно-правовой анализ: специализ. учеб. курс / Под ред. Е.В. Кобзева. – Саратовский центр по исследованию проблем организованной преступности и коррупции. – Саратов: Сателлит, 2004. – С. 38.
6. Криминология: учеб. пособ. / Г.И. Богуш и др.; под ред. Н.Ф. Кузнецовой. – М.: Юристъ, 2013. – С. 188-189; Криминология: учеб. / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, В.В. Лунева. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – С. 391.
7. Сифакис К. Энциклопедия мафии; пер. с англ. М. Прохоровой и др. – Екатеринбург: Ультра Культура, 2005. – С. 193.
8. Бажанов С.В. О некоторых направлениях научного обеспечения борьбы с транснациональной организованной преступностью // Библиотека криминалиста. – 2016. – № 6. – С. 338.
9. Транснациональная организованная преступность: дефиниции и реальность / Отв. ред. В.А. Номоконов. – Владивосток: Дальневосточный университет, 2001. – С. 5.
10. Гуров А.И. Организованная преступность – не миф, а реальность. – М., 1990. – С. 19.
11. Репецкая А.Л. Транснациональная организованная преступность: Дис. ... докт. юрид. наук. – Иркутск, 2001. – С. 17.
12. Валеев Д.М. Транснациональная организованная преступность: понятие и ее сущность // Пробелы в российском законодательстве. – 2011. – № 1. – С. 157-159.
13. Третьяков В.И. Транснациональная организованная преступность в России: понятие, структура, признаки // Юристъ-Правоведъ. – 2008. – № 2. – С. 41-44.
14. Номоконов В.А. Транснациональная организованная преступность: дефиниции и реальность. – Владивосток: Дальневосточный университет, 2001. URL: <http://textarchive.ru/c-1802636-p4.html> (дата обращения: 12.11.2016).
15. Еркенов С.Е. Взаимодействие правоохранительных органов стран СНГ при раскрытии и расследовании транснациональных преступлений: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – М., 1999. – С. 7-8; Трунцевский Ю.В. Понятие транснационального преступления // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2014. – № 3. – С. 10.

16. Мелентьев П. Понятия и общие признаки преступления международного характера, составляющие основу международного сотрудничества // Мировой судья. – 2009.
17. Третьяков В.И. Российская организованная преступность как элемент преступности транснациональной // Юрист-Правоведъ. – 2004. – № 3. – С. 32-33.
18. Номоконов В. Организованная преступность: транснациональные признаки. <http://www.crimere-search.ru/library/Nomokon2.html>
19. Горяинов Л.Л., Исиченко А.П., Кондратюк Л.В. Транснациональная преступность: проблемы и пути их решения: Моногр. – М.: ВНИИ МВД Россия, 1997. – С. 9.
20. Родионов К.С. Деятельность Интерпола в борьбе с международной преступностью // Уголовная юстиция: проблемы международного сотрудничества. – С. 233.
21. Максимов С.М. Краткий криминологический словарь. – М., 1995. – С. 22.
22. Денисович В.В. Соотношения понятий “организованная преступность”, “транснациональная организованная преступность” и “международная преступность” // Юридическая Россия. <http://www.law.edu>.
23. Григорович Ю.В. Уголовная ответственность физических лиц за международные преступления: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 8.
24. Бояринова В.О. Субъекты международно-правового сотрудничества по противодействию транснациональной преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 8.
25. Воронин В.А., Родионова Т.А. Современные тенденции развития транснациональной организованной преступности // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – № 29. – Право. Вып. 33. – С. 58-70.
26. Рахманова Е.Н. Защита прав человека от преступности в условиях глобализации: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – СПб., 2010. – С. 54.
27. Агапов П.В. Основы противодействия организованной преступной деятельности: Дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2013. – С. 48.
28. Salaev, N. (2017) «Differentiation, individualization, execution of criminal punishments and its goals: way to success» Review of law sciences: Vol. 1: Iss. 1, Article 25.
29. The issue on implementing the recommendations of international standards on certain categories of convicts in Uzbekistan. S. Nodirbek – «Ҳуқуқий тадқиқотлар» электрон журнали, 2020.